



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

№ 995

20 22 й. " 24 " сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши
курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев)** Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. **Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамроқулов)** ҳамда **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев)** мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан таништиради, ўқув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил “24” сентябрдаги
21/8 - сонли қарорига
4 – илова
№ 995

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларни ўрганиш тўғрисида

ЙЎРИҚНОМА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларда (бундан буён матнда - Марказий банк тизими) ишга қабул қилинаётган номзодлар ва юқори лавозимга тайинланаётган ходимларни ўрганишнинг тамойиллари, талаблари ва тартибини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

2. Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларни ўрганиш мақсади қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Марказий банкнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ хизмат вазифаларини ҳалол, сифатли, пухта, ҳолис амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил бўлган, коррупциявий хавф-хатари юқори ва Марказий банкни мавқеига (репутацияси) путур етказадиган номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш.

3. Ушбу йўриқнома ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

2-боб. Асосий тушунчалар

4. Ушбу Йўриқномада “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”да белгиланган атамалар ҳамда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

номзод - вакант лавозимга талабгор Ўзбекистон Республикаси фуқароси;
юқори лавозимга тайинланаётган ходим - юқори лавозимга даъвогар бўлган
Марказий банк тизими ходими;

3-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари

5. Марказий банк тизимида Ички назорат тузилмаси ҳамда Кадрлар билан ишлаш бўлими (кейинги ўринларда - Ижрочи) номзодларни ўрганиш учун масъул ҳисобланади.

6. Ўрганиш муайян ва номуайян муддатли меҳнат шартномалари ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларга нисбатан амалга оширилади.

Номзодни ўрганишда унинг аввалги иш жойидаги ҳуқ-атвори, шунингдек меҳнат фаолиятида унга юклатилган вазифаларни ҳалол ва ҳолис амалга оширганлиги ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги ва коррупциявий хатти-ҳаракатларини содир этиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар баҳоланади.

Юқори лавозимга тайинланаётган ходим лавозимга тайинланишидан аввал манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги, коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларни ўзлаштирганлиги ҳамда амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган синовлар ёки суҳбат орқали баҳоланади.

7. Ишга қабул қилинаётган номзод танлов жараёнида, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал ўрганилади.

8. Ўрганиш 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

4-боб. Ўрганиш учун маълумотларни олиш

9. Ижрочи томонидан қуйидаги маълумотлар номзоднинг розилигига мувофиқ сўраб олинishi мумкин:

- паспорт ёки ID рақами маълумотлари;
- яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар;
- судланган ёки судланмаганлиги тўғрисидаги маълумот;

“Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида”ги низомнинг 2-иловаси мувофиқ шаклдаги маълумотнома.

10. Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

11. Номзод сўралаётган ҳужжатларни ёки маълумотларни тақдим этишни рад этган тақдирда, номзодни ўрганиш очиқ фойдаланувдаги ва Ижрочи тасарруфидаги маълумотлар асосида, шунингдек сўров юбориш орқали амалга оширилиши мумкин.

12. Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши унинг ишга жойлашишини рад этиш учун сабаб бўлмайди.

5-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш учун ахборот манбалари

13. Ишга жойлашаётган номзодни ўрганиш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очиқ ахборот манбаларидан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ишлари амалга оширилади.

14. Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги умумий ва холис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган ҳужжатлар ва маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очиқ ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

15. Номзод томонидан тақдим этилган маълумотларни текшириш учун Ижрочи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасаларига сўров юбориш мумкин.

6-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни ўрганиш ўтказиш йўналишлари

16. Номзодларни ўрганишда қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратилади:

номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

суд томонидан иш фаолияти билан боғлиқ муайян ҳуқуқи чекланмаганлигини;

номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;

аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этмаганлиги, унинг хулқ-атворини юзасидан салбий фикрлар мавжуд эмаслиги;

номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари йўқлиги;

номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намоиш этилган ҳаёт тарзи ва бошқалар).

17. Ўрганиш йўналишлари рўйхати заруратга қараб ҳар бир аниқ ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

7-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни ўрганиш натижалари

18. Номзодни ўрганиш ўтказиш натижалари бўйича Ижрочи томонидан номзод ўрганилганлиги тўғрисида (1-илова шакли бўйича) ҳисобот тузилади.

Ўрганиш натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни ўрганиш реестри (Йўриқноманинг 2-илова)га киритилади.

19. Ички назорат тузилмаси номзодларни ўрганиш реестрига киритиладиган маълумотларни йиғиш ва ушбу Реестрни сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

20. Ўрганиш натижалари бўйича тузилган ҳисобот, суҳбат варағи билан бирга Эксперт гуруҳига тақдим этилади.

8 боб. Ўрганишни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари

21. Ишга жойлашаётган номзодни ўрганиш натижалари (жумладан, ўрганиш натижалари тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа ҳужжатлар) ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва ўрганиш жараёнида иштирок этмаётган ходимлар ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

22. Ўрганиш ўтказилгани тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек, ҳисоботдаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар, олинган жавоблар ва ҳ.к) Ички назорат тузилмаси томонидан камида 3 (уч) йил давомида сақланади.

9-боб. Якуний қоидалар

23. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки номзодларни ўрганиш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Департамент директори



Ш. Қуваталиев

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга
қабул қилинаётган номзодларни ҳамда юқори лавозимга
тайинланаётган ходимларни ўрганиш тўғрисидаги
йўриқномага 1-илова

НОМЗОД ЎРГАНИЛГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

1.	Асосий маълумотлар		
1.1	Номзоднинг ФИШ		
1.2	Туғилган санаси		
1.3	Бўш лавозим номи		
1.4	Бўлинма		
1.5	Боғланиш учун телефон		
1.6	Эл.почта манзили		
2.	Иш тажрибаси		
2.1	Аввалги иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари		
2.2	Аввалги иш жойларидан салбий фикрлар мавжудлиги	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
		Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.	Ўрганиш натижалари		
3.1	Ушбу йўриқноманинг 11-бандида кўзда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети олинди? («Йўқ» жавоби фақатгина Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш вақтида талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда берилиши мумкин)	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
		Етишмаётган ҳужжат(лар): Уларнинг йўқлиги сабаби(лари):	
3.2	Номзоддан олинган, жумладан маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилик аломатлари ва у томонидан ўзи ҳақидаги айрим маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш	<input type="checkbox"/> Мавжуд	<input type="checkbox"/> Мавжуд эмас
		Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.3	Номзодда тугатилмаган судланиш жараёни ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар	<input type="checkbox"/> Мавжуд	<input type="checkbox"/> Мавжуд эмас
		(агар жавоб ижобий бўлса, асосини кўрсатинг) Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.4	Суд органлари томонидан кўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиқ (раҳбарлик лавозимига номзод учун)	<input type="checkbox"/> Мавжуд	<input type="checkbox"/> Мавжуд эмас
		Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.5	аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар, ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этганлиги, унинг хулқ-атворини юзасидан салбий фикрлар мавжудлиги	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
3.6	Номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари мавжудлиги	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
	1) номзоднинг яқин қариндошлари Марказий банк тизимиинг амалдаги ходими ҳисобланади	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
		(агар жавоб ижобий бўлса: иш жойи, лавозими, асосий мажбуриятларини кўрсатинг) Изоҳ(лар): Манба(лар):	

	2) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган бўлса ёки потенциал равишда Марказий банк тизими контрагентлари бўлиши мумкин бўлган компаниялар бошқарув органлари таркибига кирса	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
		(агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлик даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими) Изоҳ(лар): Манба(лар):	
	3) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёхуд Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасида оммавий муомалада бўлган қимматбаҳо қоғозларнинг 5% ва ундан ортиғига эгалик қилса ёки компаниялар фаолияти натижаларида шахсий манфаатдорлиги бўлса (жумладан, инвестициялар киритиш орқали)	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
		(агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлик даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими) Изоҳ(лар): Манба(лар):	
	4) Бошқа аломатлар	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
		Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.7	номзоднинг ёки унинг яқин қариндошларининг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар	<input type="checkbox"/> Мавжуд	<input type="checkbox"/> Мавжуд эмас
		Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.8	Номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намоиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақиқа мос келмайди ва бошқалар).	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
		Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.9	Бошқа маълумотлар (жумладан, интервью натижалари)	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ
		Изоҳ(лар): Манба(лар):	
4	Коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили (3.5 ҳамда 3.6 бандларига ёки ушбу бандларнинг биттасига жавоб ижобий бўлса) ва уларни минималлаштириш чоралари бўйича тавсиялар		
5	Хулоса		
		Ҳа / Йўқ	Изоҳлар
	3.1, 3.2, 3.3 ва 3.4 бандларида кўрсатилган хатар индикаторлари мавжудлиги		Қайд этилган тоифадаги ақалли битта хатар мавжуд бўлган тақдирда хулоса салбий берилади
	3.5, 3.6, 3.7 ва/ ёки 3.8 бандларида хатар индикаторлари мавжудлиги		Юқори коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни камайтириш бўйича чоралар кўриш имконсиз бўлган тақдирда хулоса салбий берилади
ЯКУНИЙ НАТИЖА		(салбий хулоса /ижобий хулоса)	
ТАВСИЯЛАР (аниқланган хатарларни ҳисобга олган ҳолда)			

Ижрочи _____
(ФИШ)

_____ (имзо) (сана)

« _____ » _____ 20__ й.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк
 тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни
 ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган
 ходимларни ўрганиш тўғрисидаги
 йўриқномага 2-илова

Номзодларни ўрганиш реестри

Т/р	Номзоднинг ФИШ	Таркибий бўлинма номи	Бўш лавозим номи	Ўрганиш ижрочиси, ФИШ	Номзодни ўрганиш бўйича ҳисобот санаси ва рақами	Ўрганиш натижаси (ижобий / салбий / аниқланган ҳаётлар)	Ўрганиш натижасини асословчи қисқа изоҳлар
1	2	3	4	5	6	7	8
1							
2							
3							
4							
5							
...							